## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

# СССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1985 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ҲАМДА 1984 ЙИЛГИ ПЛАН ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

## *СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат Н. К. БАЙБАКОВ доклади**

Мамлакатимизнинг яна бир меҳнат йили тугаб бормоқда. Ленин партияси ва унинг Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган совет кишилари ўз юксак ватанпарварлик бурчини англаб, партиянинг иқтисодий стратегиясини амалга ошириш учун кўпроқ куч-ғайрат сарфламоқдалар, Улуғ Ватан урушидаги жаҳоншумул тарихий Ғалабанинг 40 йиллигини ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдирмоқдалар. Шу иккала юбилей санасида совет халқининг меҳнат ва ҳарбий жасорати, унинг КПСС бўлажак XXVII съездини Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида янги тинчлик зафарлари билан нишонлашга берган азму қарори рамзий равишда қўшилиб кетган.

Маълумки, шу йилнинг 15 ноябрида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлди. Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко катта нутқ сўзлади. У совет экономикасининг ҳолатини атрофлича таҳлил этди, хўжалик сиёсатининг актуал вазифаларини айниқса, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва унинг самарадорлигини ўстириш, меҳнат ва материал ресурсларини иқтисодий тежашни ҳар томонлама кучайтириш, ишлаб чиқариш, план ва шартнома интизоми савиясини ошириш, хўжаликни бошқариш ва контроль қилиш системасини такомиллаштириш соҳасидаги актуал вазифаларни ўртага қўйди.

План ва бюджет лойиҳалари ҳақида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов доклад қилиб, келгуси йилда халқ хўжалигининг ривожланишини батафсил таърифлаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 1985 йилги план ва бюджет лойиҳаларини асосан маъқуллади ҳамда ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган кўрсатма ва хулосаларни барча партия, давлат, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фаолиятига асос қилиб олишга қарор берди.

Докладчи депутатларга мурожаат этиб, бундай деди: СССР Министрлар Совети СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн биринчи беш йиллик якунловчи йили 1985 йилга мўлжалланган давлат планини сизларнинг муҳокамангиз ва тасдиғингизга ҳавола этади. Бу йилда совет халқининг КПСС XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни бажариш соҳасидаги қизғин бунёдкорлик меҳнати якунланади. Келгуси йил плани партия съездининг ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларига, ўртоқ К. У. Черненконинг экономикани ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг пишиқ-пухта мудофаа қобилиятини таъминлашнинг энг муҳим масалаларига оид нутқларида баён этилган кўрсатма ва хулосаларга асосланади.

Планнинг режалаштирилган топшириқлари беш йиллик планга биноан, 1984 йилда халқ хўжалигини ривожлантириш натижаларини, шунингдек, меҳнат коллективларини, СССР министрликлари ва идораларининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг план лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда фаол қатнашган партия, совет ва касаба союз органларининг таклифлари эътиборга олиниб белгиланди. Бунда ижтимоий турмушимизнинг демократизми чуқурлашиб бораётганлиги, омманинг хўжаликни планлаштириш ва бошқаришдаги активлиги тобора кучайиб бораётганлиги ўз ифодасини топди.

Бизнинг экономикамиз кескин халқаро вазият шароитида ривожланаётганини уқтириб ўтмоқ керак. Ленинча ташқи сиёсат принципларига садоқатли Совет Иттифоқи рўй бераётган муаммоларни тинч ҳал этиш, давлатлараро тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро уруши хавфини тугатиш йўлини қатъият билан ўтказиб келмоқда.

Шу билан бирга, Совет Иттифоқи мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва совет халқининг бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўрмоқда. Партиямиз билан ҳукуматимизнинг тинчликни сақлаб қолишга ва кескинликни юмшатишга қаратилган шу узлуксиз сиёсатини ер юзидаги жуда кенг жамоатчилик, сергак фикрли барча кишилар тушуниб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Сўнгра Н. К. Байбаков 1984 йил планини бажаришнинг кутилаётган асосий якунларига тўхталиб ўтди.

Партиянинг зўр ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий иши, омманинг меҳнат ғайрати юксалганлиги, халқ хўжалигида масъулият, тартиб ва интизомни кучайтириш чоралари кўрилганлиги натижасида бу йил экономикада 1983 йилда бошланган ижобий тенденцияларни ривожлантириш давом эттирилди. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари кучайди, унинг сифат кўрсаткичлари яхшиланди ва шу асосда халқнинг турмуш даражасини янада оширишга эришилди.

Истеъмол ва жамғарма учун фойдаланиладиган миллий даромад 498,5 миллиард сўмни ташкил этади ва 1983 йилга нисбатан, давлат планида кўзда тутилганидек 3,1 процент кўпаяди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми планда белгиланган 3,8 процент ўрнига 4,4 процент, шу жумладан «Б» группа маҳсулоти 4,5 процент ортади. Умуман 1983—1984 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқариши беш йилликнинг дастлабки икки йилидаги 6,4 процентдан 8,8 процент кўпаяди.

КПСС XXVI съезди қарорларига мувофиқ машинасозлик, химия, газ, микробиология саноати ва фан-техника тараққиётини белгиловчи баъзи бошқа тармоқлар илдам суръатлар билан ривожланмоқда. Энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан белгиланган план топшириқлари тўла ва ошириб бажарилиши каби бу якун ҳам ишлаб чиқариш структурасини, техникаси ва технологиясини, меҳнат ва бошқарувнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини практикага янада кенг жорий этиш асосида экономикамизни ривожлантиришдаги интенсив омилларнинг таъсири кучайиб бораётганлигининг далилидир.

1984 йилда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўнинчи беш йилликдаги ўртача йиллик ҳажмга нисбатан 10 миллиард сўмликдан зиёд кўпаяди. 1983 йилга нисбатан чорвачилик маҳсулотлари: қорамол ва парранда харид қилиш 4 процент, сут харид қилиш 2,3 процент ва тухум харид қилиш 2,1 процент ортади, бу эса агросаноат комплексининг ишлама тармоқлари ишига ҳамда аҳолини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлашга яхши таъсир қилади. Юк ва пассажир транспортининг иши яхшиланди. Бу йил ҳамма турдаги транспортда юк ташиш ҳажми юзасидан белгиланган план ошириб бажарилиши кутилмоқда.

Бу йил ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аввало меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқлари бажарилмоқда.

Чунончи, меҳнат унумдорлиги саноатда пландаги 3,4 процент ўрнига тўрт процент оширилади. Шу йўл билан биринчи бор саноат маҳсулоти ўсишининг 93 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинмоқда. Қишлоқ хўжалигида, қурилишда ва темир йўл транспортида ўсишнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли таъминланади. Бу нарса кўп жиҳатдан кўпчилик меҳнат коллективларининг КПСС Марказий Комитетининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ошириш тўғрисидаги даъватига жавобан ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан олган қўшимча мажбуриятларини бажаришлари билан боғланган.

Фан-техника тараққиёти ютуқларини практикага жорий этиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосига тобора кўпроқ айланиб бормоқда. 1984 йилда машиналар, асбоб-ускуналар, аппаратлар, приборлар ва автоматлаштириш воситаларининг янги типларидан 4 мингга яқин нусхаси яратилади. Автомат ва ротор линиялар, робот техникаси комплекслари ва ҳисоблаш техникаси қўлланиладиган ишлаб чиқаришнинг технология жараёнларини автоматлаштириш топшириқлари амалга оширилмоқда.

Ўтган йилларда бўлганидек, 1984 йилда ҳам капитал қурилишнинг катта программаси амалга оширилмоқда. Давлат капитал маблағи ҳисобига бу йил 136 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилади, бу эса мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш потенциалига қўшилган муҳим ҳисса бўлади. Йил охиригача асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати салкам 1,5 триллион сўмликни ташкил этади.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида янги ва реконструкция қилинган корхоналарда кўпгина муҳим объектлар ишга туширилди. БАМнинг асосий темир йўл изи муддатдан илгари қуриб битказилганлиги ва унинг бошидан охиригача поездларнинг иш қатнови очилганлиги сингари буюк воқеани алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. КПСС Марказий Комитетининг магистрал қурилиши қатнашчиларига ва уни ишлатувчиларга йўллаган табрикномасида уқтириб ўтилганидек, янги темир йўл изи мамлакат экономикасини, айниқса, Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқ экономикасини ривожлантириш, бу регионларда йирик территориал ишлаб чиқариш комплекслари барпо этиш, бой табиий ресурсларни халқ хўжалиги оборотига жалб этиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

1984 йилда социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг партия XXVI съезди белгилаган ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларида янада ривожлантирилган программасини амалга ошириш давом эттирилди. Чунончи, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар беш йиллик планда шу йил учун кўзда тутилган 3,1 процент ўрнига 3,3 процент ортади. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 185 сўмга етади ва 2,5 процент кўпаяди, колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ ойига 145 сўмга етади ёки 3 процент ортади.

Ижтимоий истеъмол фондлари 3,5 процент кўпайиб, қарийб 140 миллиард сўмга етади.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти 4,5 процент кўпаяди. Давлат чакана нархларини камайтиришга ва молларни мавсумий сотишга тахминан 5 миллиард сўм сарфланади.

Бу йил пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобига жами саҳни 113,7 миллион квадрат метр, яъни 1983 йилга нисбатан 1,3 миллион квадрат метр кўп уй-жой қурилади. Бу эса тахминан 10 миллион кишининг уй-жой шароитларини яхшилаш имконини беради.

1984 йилда пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан беш йиллик планда шу йил учун белгиланганидан кўпроқ мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, касалхоналар, поликлиникалар қурилади.

1984 йилдан бошлаб бешта министрликлар ўтказилаётган корхоналарнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллигини кенгайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш борасидаги кенг миқёсли эксперимент экономикани планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришга оид тадбирлар системасида катта ўрин олди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шу иқтисодий экспериментнинг дастлабки якунларини кўриб чиқиб, меҳнат коллективларининг юксак кўрсаткичларга эришишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар комплекси умуман уларнинг хўжалик фаолияти якунларига ижобий таъсир ўтказаётганини уқтириб ўтди. Энг асосий кўрсаткичлардан бири — шартномавий мажбуриятларни ҳисобга олиб маҳсулот реализация қилиш юзасидан белгиланган планнинг бажарилиши яхшиланди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига таъминланди, маҳсулот таннархини камайтириш топшириқлари ошириб бажарилди.

Докладчи хўжалик фаолиятида мавжуд бўлган ва бир қанча план кўрсаткичларининг бажарилиш даражасига таъсир қиладиган қийинчиликлар ва камчиликлар ҳақида гапириб, қуйидагиларни уқтириб ўтди: аввало асосан ҳаддан ташқари ноқулай об-ҳаво шароитлари оқибатида қишлоқ хўжалик маҳсулоти беш йиллик планда кўзда тутилганига нисбатан камроқ ҳажмда олинганлиги жиддий қийинчиликлар жумласига киради. Бу ҳол саноатни хом ашё билан, савдони товар ресурслари билан таъминлашга таъсир қилди.

Янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш топшириқларининг бажарилмаслиги бир қанча министрликларнинг ишидаги катта камчиликдир.

Бир қатор тармоқларнинг бир талай корхоналари ва хўжаликлари ўз имкониятларидан паст даражада ишламоқдалар, ўзлари учун белгиланган планларни ва социалистик мажбуриятларни бажармаяптилар. Ҳали ҳам анчагина вақт зое ўтмоқда ва ресурслар исроф бўлмоқда, бу нуқсонлар, одатда, хўжасизликнинг оқибати бўлиб чиқмоқда.

Моддий ресурсларни тежаш соҳасидаги топшириқлар қандай бажарилаётганлигига жуда зўр эътибор бермоқ керак.

Аввалги йилларда бўлганидек, 1984 йилда ҳам бир қанча министрликлар маҳсулот номенклатураси ва ассортименти юзасидан белгиланган ишлаб чиқариш планларини бажармаяптилар, бу ҳол истеъмолчиларга шартнома ва буюртмаларга мувофиқ маҳсулот етказиб берилмаслигининг асосий сабабидир.

Капитал қурилишдаги аҳвол бир оз яхшиланаётган бўлса ҳам, умуман ишларнинг ҳолати бизни қаноатлантира олмайди. Асосий фондларни ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш топшириқлари тўла бажарилмаяпти, қурилиш ишларини ташкил этишдаги камчиликлар сусткашлик билан тугатиляпти, катта-катта маблағлар ҳамон кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилмоқда. смета интизоми бузиляпти, ишларнинг сифати паст бўлишига йўл қўйиляпти.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1985 йилга мўлжалланган асосий вазифалари, суръатлари ва пропорцияларини таърифлаганда, шуни уқтириб ўтиш зарурки, деди сўнгра докладчи. келгуси йил ўн иккинчи беш йиллик учун негиз бўладиган даврдир, бу беш йиллик ижтимоий ишлаб чиқаришда чуқур сифат ўзгаришлари киритиши лозим.

1985 йилги план ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтириш, унинг техникавий даражасини ошириш, экономикани узлуксиз, пропорционал ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларидан, ички хўжалик резервларидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш мақсадини кўзлайди. Бу эса сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган йиллик планнинг бир қанча хусусиятларини олдиндан белгилаб берди.

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича белгиланган 1985 йилги топшириқлар экономикани ривожлантиришда 1983—1984 йилларда намоён бўлган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради. Умумиқтисодий кўрсаткичларга оид ўсиш суръатлари 1981—1984 йилларда эришилган ўртача йиллик кўрсаткичлардан бирмунча юқорироқ қилиб белгиланди. Миллий даромадни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, темир йўл транспортининг юк оборотини, шунингдек саноат маҳсулотининг бир қанча энг муҳим турларини ишлаб чиқаришнинг мутлақ ўсиш суръатлари оширилади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўрсаткичлари юзасидан ва аввало меҳнат унумдорлигини ўстириш, асосий фондлардан ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш юзасидан бирмунча юқори топшириқлар белгиланган. Бу топшириқларнинг бажарилиши ишлаб турган корхоналарда ишловчи ходимларни кўпайтирмай ва ҳатто уларнинг сонини қисқартириб, саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг ҳаммасини таъминлаши лозим. Бу эса халқ хўжалигининг барча тармоқларида фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, уни илмий ташкил этиш, меҳнатни рағбатлантиришнинг коллектив формаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш тадбирларининг кенг комплексини амалга оширишни назарда тутади. Меҳнат унумдорлигини ўстириш билан иш ҳақини кўпайтириш ўртасидаги нисбат яхшиланади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўрсаткичларини таърифлаш учун шуни уқтириб ўтиш лозимки, масалан, миллий даромадни кўпайтиришнинг қарийб ҳаммасини ва саноат маҳсулотини ўстиришнинг 95 процентини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олиш кўзда тутилмоқда, қишлоқ хўжалигида ва темир йўл транспортида эса ишлаб чиқаришни ўстиришнинг ҳаммасига шу омил ҳисобига эришилади.

1985 йилги план топшириқларини бажариш, ўн иккинчи беш йиллик учун зарур бўлган ишларни бошлаб қўйиш вазифаси халқ хўжалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш аппаратини фан ва техниканинг ҳозирги замон ютуқлари асосида янгилаш суръатларини оширишни талаб қилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини мавжуд резервлар билан мувофиқлаштиришнинг муҳим шарти бўлмиш хом ашё, ёқилғи — энергетика ва материал ресурсларини иқтисодий тежашга эътибор кучайтирилади.

Мамлакатда илғор ишлаб чиқариш коллективларининг ҳар бир корхонада, область, ўлка, республикада пландан ташқари тежамкорлик фондини вужудга келтириш, тежаб қолинган материал, хом ашё ва ёқилғи билан йилига 2 кун ишлаб бериш тўғрисидаги ташаббуси мамлакатда кенг миқёсда қўллаб-қувватланди. Бу фонднинг маблағлари социал эҳтиёжларга ва аввало, аҳолига медицина хизматини яхшилашга сарфланади.

1985 йилда саноат маҳсулотининг таннархи 0,8 процент камайтирилиши лозим. Бу — 1984 йилда эришилган суръатлардан юқоридир. Қурилишдаги чиқимларни 0,5 процент миқдорида камайтириш мўлжалланган.

Келгуси йил иқтисодий эксперимент ўтказишда янги босқич бўлади, яна 21 та Иттифоқ ва республика министрлиги, шунингдек кўпгина областларнинг маиший хизмат корхоналари шу эксперимент шароитида ишлай бошлайди.

Мамлакат экономикасини ривожлантириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида 1985 йилги планда кўзда тутилган топшириқлар план бўлимлари ва аввало ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш моддий техника ресурслари, аҳолининг пул даромадлари билан чакана товар обороти ва ҳақ олинадиган хизмат ҳажмлари билан мувозанатда бўлишини таъминламоқда.

Мўлжалланган моддий ишлаб чиқариш ҳажмлари асосида истеъмол ва жамғармада фойдаланиладиган миллий даромад 17,5 миллиард сўм ёки 3,5 процент кўпаяди. Бунда миллий даромаднинг қарийб бутун ўсиши истеъмол фондига сарфланади.

Келаси йили саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 3,9 процентни, шу жумладан «Б» группасида 4 процентни ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми шу йил кутилаётганига нисбатан 6,7 процент ортади.

Совет экономикаси ҳамма соҳаларини интенсивлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришда социалистик саноат етакчи роль ўйнаб у давлатимиз иқтисодий қудратининг негизини ташкил этади. 1985 йилги планда саноат ишлама тармоқларини илдам ўстириш кўзда тутилган, бу тармоқлар маҳсулотининг ҳажми 4,4 процент, машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотининг ҳажми эса 6,5 процент кўпаяди.

Сўнгра докладчи ёқилғи энергетика комплекси тармоқларини, конструкцион материаллар ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш масалаларига муфассал тўхталиб, халқ хўжалиги барча тармоқларини техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришда машинасозлик ҳал қилувчи роль ўйнашини назарда тутиб, план машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулоти илдам ўсишини кўзда тутади, бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш 6,5 процент ортади, деб таъкидлади.

1985 йилда, деб давом қилди, Н. К. Байбаков, озиқ-овқатдан ташқари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва турини кўпайтириш давом этади. Енгил саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 1984 йилги 1,7 процент ўрнига 3,5 процент кўпаяди.

Планнинг махсус бўлими иккиламчи хом ашёдан фойдаланишга бағишланган.

СССР Министрлар Совети агросаноат комплексини ривожлантириш планини ишлаб чиқаётиб, Озиқ-овқат программасининг топшириқларига, шу топшириқ тармоқларини ташкил этувчи барча соҳалар мутаносиб ривожланиб боришини таъминлаш зарурлигига, уларнинг моддий-техника базасини изчиллик билан мустаҳкамлаш вазифаларига асосланди, деди докладчи.

Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган нутқида СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишда партия билан халқнинг навбатдаги вазифаларини ҳар томонлама асослаб берди, дон етиштиришни муттасил кўпайтириб бориш — асосий проблемадир деб, дон етиштиришни ўстиришнинг шундай суръатларини таъминлаш керакки, яқин йиллар ичида мамлакатнинг барча талаб-эҳтиёжлари тўла-тўкис қондириладиган бўлсин деб таъкидлади.

Ерларни мелиорациялашга катта-катта капитал маблағ — 9 миллиард сўмдан кўп пул сарфланмоқда. Шу маблағлар ҳисобидан 663 минг гектар суғориладиган ерлар ва 695 минг гектар захи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилади. Йил охирига борганда мелиорация қилинган ерларнинг жами майдони 1980 йилги 29,8 миллион гектар ўрнига 35 миллион гектарга яқинлашади.

1985 йилги планни тузишда чорвачиликни ривожлантиришнинг негизи сифатида дон ва ем-хашак етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор берилди.

Сўнгра докладчи келаси йили саноат ва аввало машинасозлик, химия, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқларнинг ходимлари қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини ва у билан боғлиқ тармоқларни янада мустаҳкамлаш ишида ҳал этиши лозим бўлган катта-катта вазифаларга тўхталди.

Ишлаб чиқаришнинг белгиланган даражалари ва капитал қурилиш ҳажмларига асосланиб, ҳамма турлардаги транспорт юк оборотини 3,3 процент кўпайтириш кўзда тутилади. Газ қувур транспорти орқали юк обороти 13 процентдан зиёд илдам ўсиши мўлжалланади. Умумдавлат алоқа воситалари ва телевидениени ривожлантириш топшириқлари умуман беш йиллик мобайнида бажарилади, деди докладчи.

1985 йилги капитал қурилиш плани КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу йил апрелда қабул қилган «Капитал қурилишни планлаштириш, ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш тўғрисида»ги қарори талабларини, шунингдек Озиқ-овқат ва энергетика программасини бажаришни, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, уй-жой ва социал маиший қурилишни изчиллик билан ривожлантириб боришни таъминлаш зарурлигини назарда тутиб ишлаб чиқилган.

Н .К. Байбаков фан ва техникани ривожлантириш тўғрисида гапириб, 1985 йилда фан-техника тараққиётининг барча йўналишлари юзасидан топшириқлар кўзда тутилганлигини айтди. План машина-ускуналар янги турларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни, илғор технологияларни жорий этиш кўламлари орттирилишини, янгитдан барпо этилаётган, шунингдек реконструкция қилинаётган ва техника жиҳатидан қайта қуроллантирилаётган корхоналарда маҳсулот янгиланишини кўзда тутади.

Ўн иккинчи беш йиллик ва узоқ келажакка илмий асос яратувчи фундаментал тадқиқотларни янада кенгайтириб бориш кўзда тутилади.

Одамлар ҳақида, уларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳамиша планларимизнинг марказида бўлиб келди, деди сўнгра докладчи, ана шу принцип 1985 йилги план учун ҳам асос бўлади. Аҳоли жон бошига реал даромадлар 3,3 процент ортади ва беш йиллик планда шу йилга белгиланган топшириққа мувофиқ бўлади. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ойига 190,6 сўмгача, колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ эса 150 сўмгача ортади.

Ижтимоий истеъмол фондлари 5 процент кўпайиб, 146,5 миллиард сўмга етади. Бу пул беш йиллик планнинг шу йилга белгиланган топшириқларидан 2,5 миллиард сўм кўпдир.

Давлат ички заёмлари облигацияларининг пулини қайтариб бериш давом эттирилади.

Умуман беш йилликда пул билан таъминлаш барча манбалари ҳисобидан шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жами саҳни 555 миллион квадрат метрга яқин, ёки беш йиллик план топшириғидан 25 миллион квадрат метр кўп уй-жойлар қурилади. Бу 50 миллиондан кўп кишининг уй-жой шароитлари яхшиланишини таъминлайди. Қишлоқларда уй-жой қуриш программаси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Н. К. Байбаков атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва иттифоқдош республикалар ҳамда иқтисодий районлар хўжаликларини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга батафсил тўхталди.

Докладчи ташқи иқтисодий алоқалар тўғрисида гапириб, 1985 йилги план социалистик мамлакатлар билан олиб бориладиган савдо-сотиқ 5,4 процент кўпайишини кўзда тутади, деб таъкидлади. Ўн биринчи беш йиллик охирги йили планини тузишда капиталистик мамлакатлар билан тузилган узоқ муддатли савдо-иқтисодий битимлар ҳам назарда тутилди. СССР ривожланаётган мамлакатларга ўзаро манфаатли асосда иқтисодий ва техникавий ёрдамини илгаригидек давом эттираверади.

Н. К. Байбаков докладининг охирида бундай деди: партиямиз ўзининг XXVII съездига амалий тайёргарлик кўриш даврига кирди. Съездга тайёргарлик омманинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада кучайтиришга, янги-янги ижодий таклиф ва ташаббусларга, бутун улкан хўжалик фронтида юксак пировард натижаларга эришишга кучли омил бахш этишига шак-шубҳа йўқ.

1985 йилги планни амалга ошириш шундай умумхалқ ғайрат-шижоати вазиятида ўтади. Бу планнинг асосий вазифалари сизларга айтиб ўтилди. Бу топшириқлар тиғиз бўлсада, лекин уни бемалол амалга оширса бўлади. Шу планлар меҳнат коллективлари зиммаларига олган муқобил планлар ва социалистик мажбуриятлар билан мустаҳкамланиб тўлдирилади, албатта. Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек, беш йилликнинг шу йилидаги қолган давр ҳамда якунловчи йилида «ҳаммамиз зарбдорчасига, бутун кучни сарфлаб меҳнат қилишимиз, янги беш йилликни дадил бошлаш учун пухта замин яратиб қўйишимиз лозим».

Совет кишилари Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида 1985 йилги давлат планининг тўла ва ошириб бажарилиши учун, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада кучайтириш учун ҳамма куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз! **(Қарсаклар).**

**(ТАСС).**

* **(Доклад қисқартириб босилмоқда).**



Суратда: ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети иккинчи сессиясида қатнашаётган депутатлардан бир гуруҳи. Чапдан ўнгга — Т. М. Нурманбетова (Қирғизистон ССР), Н. А. Виташкевич (Белоруссия ССР), Г. Р. Ибрагимов (Озарбайжон ССР) ва К. Д. Қорахонова (Ўзбекистон ССР).

ТАСС фотоси.

## ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

27 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган илмий конференцияда Ўзбекистон олтмиш йил мобайнида маданият соҳасида эришган ютуқлари ҳақида, бу ютуқларни янада ривожлантириш йўллари тўғрисида гап борди.

Докладлар ва нутқларда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда драматургия, кинематография, бадиий ва музика санъатининг роли ошиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш борасида маданият ходимларининг вазифалари кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ САНИТАРИЯ МАДАНИЯТИ ОШИРИЛСИН

Ўзбекистон ССР Қизил ярим ой жамияти Марказий Комитетининг 27 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида ёш авлодни санитария-гигиена таълим-тарбияси билан шуғулланувчи ана шу оммавий ташкилотнинг мактаб ислоҳоти талабларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Пленумда ҳозирги вақтда республикадаги барча мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида жамиятнинг бошланғич ташкилотлари тузилганлиги таъкидлаб ўтилди. Ёш активлар ўқув юртлари қошида очилган медицина-санитария тўгаракларида ўқимоқдалар, санитария постларида ишлашга жалб этилмоқдалар, уруш ва меҳнат инвалидларини оталиққа олмоқдалар, медицина ҳамшираларига ёрдам бермоқдалар. Ўқувчиларда юксак санитария маданиятини тарбиялаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан жамият ишини янада яхшилаш йўллари белгиланди.

(ЎзТАГ).

